

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМАТМУРАДОВА НАРГИЗА НЕГМАТУЛЛАЕВНА

**ИММУНОЛОГИК БИОМАРКЕРЛАР АСОСИДА НОСПЕЦИФИК
ИНТЕРСТИЦИАЛ ПНЕВМОНИЯ ДИАГНОСТИКАСИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 - Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Махматмурадова Наргиза Негматуллаевна

Иммунологик биомаркерлар асосида носпецифик интерстициал пневмония
диагностикасини оптималлаштириш 3

Махматмурадова Наргиза Негматуллаевна

Оптимизация диагностики неспецифической интерстициальной пневмонии,
основанная на иммунологических биомаркерах..... 25

Makhmatmuradova Nargiza Negmatullaevna

Optimization of the diagnosis of non-specific interstitial pneumonia based on
immunological biomarkers..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМАТМУРАДОВА НАРГИЗА НЕГМАТУЛЛАЕВНА

**ИММУНОЛОГИК БИОМАРКЕРЛАР АСОСИДА НОСПЕЦИФИК
ИНТЕРСТИЦИАЛ ПНЕВМОНИЯ ДИАГНОСТИКАСИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 - Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.3. PhD/Tib1404 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аралов Нематилла Равшанович

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Равшанбек Бабажонович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Раҳимова Дилором Алимовна

тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги Тожиқ давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Илмий кенгашнинг 2023 йил «20» 02 соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70 а - уй. СамДТУ 2-сон клиникаси. (Кўп тармоқли болалар жаррохлиги маркази). тел/факс: 0(366) 233-58-92, 233-79-03, e-mail: shodikulovagulandon@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2023 йил « _____ » _____ куни тарқатилди.
(2023 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Шамсиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З.Шодикулова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.О.Атакулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги илмий кенгаш котибидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёнинг барча мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда интерстициал ўпка касалликларининг кенг тарқалиши, улар оқибатида ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини юқори бўлиши беморларга ихтисослаштирилган пульмонологик ёрдам кўрсатишнинг клиник ва ташкилий шакллари такомиллаштириш зарурлигини белгилайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «... дунёда касалланиш йилига 100 000 аҳолига 70,1 ташкил қилмоқда, тарқалиши эса 100 000 аҳолига 6,27 дан 97,9 гача кузатилиб, улардан 1 млн дан ортиғини ўлимга сабаб бўлмоқда...»¹. Айтилган интерстициал ўпка касалликлари мавжуд бўлган беморларда дифференциал диагностиканинг мураккаблиги сабабли ушбу касалликларга чалинган беморларни даволашнинг давомийлиги ва оғирлиги, уларни ўз вақтида аниқлаш ва диагностика-даволаш жараёнини тўлиқ амалга ошириш мақсадида диагностика ва даволашнинг энг мақбул усулини танлаш, уларни қўллашнинг оптимал вақтини белгилаш ҳамда даволашнинг натижаларини баҳолаш пульмонология амалиётида ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда интерстициал пневмониянинг шаклланиши жараёнида иммунитет ва эндокрин тизимларнинг роли, иммунопатогенетик механизмларни ўрни, эрта ташхислаш, оптимал даволаш ва профилактика усуллари ишлаб чиқаришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада қўлланилаётган диагностика усуллари фонида ялғиз биомаркерлари ҳолатини, носпецифик интерстициал пневмониянинг (НИП) шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлган нейтрофил эластаза ферменти миқдорини баҳолаш орқали диагностика ва прогнозлаш учун кўрсатмалар ва қўллаш шартларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги ҳамда оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, жумладан интерстициал ўпка касалликлари эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар оширилиб, муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу борада «...аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишларини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар ва катталар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, носпецифик интерстициал пневмония ривожланишининг турли даражадаги клиник кўринишларини ўрганиш, тўқима гипоксияси

¹Kaul B, Cottin V, Collard HR, Valenzuela C. Variability in Global Prevalence of Interstitial Lung Disease. *Front Med (Lausanne)*. 2021 Nov 4;8:751181. doi: 10.3389/fmed.2021.751181. PMID: 34805219; PMCID: PMC8599270.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони.

шароитида протеолиз ферментларидан нейтрофил эластазанинг миқдорини ўзгаришининг прогностик аҳамиятини белгилаш, яллиғланиш тизимининг биомаркерларидан ИЛ-1 β ва ИЛ-17Ани аниқлаш ҳада НИП кечишининг оғирлигини эрта баҳолаш учун математик моделини яратиш орқали касаллик натижасида юзага келадиган асоратлар ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда ўтказилган кўплаб илмий тадқиқотлар натижасида протеолитик ферментлар ва уларнинг ингибиторлари тизимини ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади ва турли касалликларда бу ферментларнинг роли ва регуляцияси хусусиятларини аниқлаш, нафақат патогенез ҳақидаги тушунчани кенгайтириш, балки амалий тиббиётга диагностика ва даволашнинг янги усулларини асослаш ҳамда жорий этиш имконини беради. Протеиназалар ва протеиназ ингибиторларининг номутаносиблиги ўпка яллиғланиши патогенезида етакчи механизмлардан бири бўлиб, ўпка тўқималарининг бузилишига ва сурункали обструктив ўпка касаллигининг шаклланишига ёрдам беради (Butler A., ва бошқ., 2018). Нафас аъзолари касалликлари патогенезида протеолитик таъсирнинг етакчи роли бронхоўпка патологияни даволаш учун протеиназ ингибиторлари ва антиоксидантлардан фойдаланишни оқлайди (Lane J.R., ва бошқ., 2022; Meyer K.S., 2014; Weber G., ва бошқ., 2013). Ўпкада экспериментал яллиғланиш жараёнини тўғирлаш учун антибиотикни қўллашда, таъсир биринчи навбатда, эластаза ва трипсинга ўхшаш протеиназалар фаоллигининг пасайиши билан намоён бўлди, бу эҳтимол унинг бактериял инфлюэнца пасайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин, ва шунга мос равишда носпецифик протеиназаларнинг асосий манбаи бўлган фагоцитларнинг инфльтрацияси ва фаоллигининг пасайиши (Dai C. ва бошқ., 2015).

Ўзига хос коррекция самарадорлиги протеиназа ингибиторлари ва антиоксидантларни қўллаш ҳолда, протеиназ-ингибитор тизимидаги номутаносибликни бартараф этишга қаратилган, кўпроқ даражада ингибитор потенциалнинг ошиши билан боғлиқ бўлиб, бу эса ҳам ингибиторларнинг

кўпайиши, ҳам антиоксидантларнинг ҳимоя роли билан боғлиқ бўлиши мумкин, бу эса оксидланиш туфайли ингибиторларни фаолликни йўқотишдан ҳимоя қилади. Олинган маълумотларга асосланиб, пневмонияни даволашга энг самарали ёндашув - бу антибиотик терапияни протеиназалар ва уларнинг ингибиторлари номутоносивлигини махсус коррекция билан бирлаштирилганда кузатиш мумкин, деган хулосага келиш мумкин (Долгушин И.И., 2019; Целоусова О.С., 2011; Щербак В.В., 2012). Шу муносабат билан, ўпканинг яллиғланиш касалликларини даволашда кўпроқ кўрсатиладиган антибиотиклар таъсирида протеиназ-ингибитор тизимидаги ўзгаришларни ва анти-протеиназ ва антиоксидант таъсир механизмлари билан ўзига хос дориларни солиштириш алоҳида қизиқиш уйғотади (Акулкина Л.А., 2018).

Ўзбекистонда А.М.Убайдуллаев (2011), Н.Р.Аралов (2018), ва бошқаларнинг бу борадаги тадқиқотлари диққатга сазовордир, бироқ носпецифик интерстициал пневмония эрта ташхислаш усуллариининг баъзи клиник-лаборатор жиҳатларининг таҳлиliga қаратилган илмий тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Бугунги кунда соҳада орттирилган тажриба ва олиб борилган илмий ва амалий тадқиқотларни эътиборга олиб, клиник-лаборатор, инструментал, яллиғланиш биомаркерлари, қон зардобидаги нейтрофил эластаза миқдорини ўрганиш асосида ҳар хил кечишдаги носпецифик интерстициал пневмония эрта ташхислашни ошириш ҳамда ушбу беморларда ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, носпецифик интерстициал пневмония турли кечишлари мавжуд бўлган беморларда иммунологик биомаркерлардан фойдаланиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишимконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000260 «Юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инсон организми касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш» (2018-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади носпецифик интерстициал пневмонияни эрта ташхислаш ва касаллик кечишини прогнозлашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

носпецифик интерстициал пневмония ривожланишининг клиник кўриниши ва нурли визуализация усуллариининг диагностик аҳамиятини баҳолаш;

носпецифик интерстициал пневмония ривожланишида протеолиз ферментларининг прогностик аҳамиятини асослаш;

носпецифик интерстициал пневмония ривожланишида яллиғланиш тизимининг биомаркерларини (яллиғланишга хос цитокинлар) ва протеолиз ферментларини боғлиқлигини таҳлил қилиш;

НИП кечишининг оғирлигини эрта баҳолаш учун математик моделни ва носпецифик интерстициал пневмония билан оғриган беморларни даволашда дифференциал ёндашувлар режасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси пульмонология бўлимига ётқизилган носпецифик интерстициал пневмония билан касалланган 140 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини умумий клиник ва биохимик тадқиқотлар учун беморларнинг веноз қони ва унинг зардобини, шунингдек таҳлил учун беморларнинг балғамини ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, функционал, рентгенологик, иммунологик (нейтофил эластаза, интерлейкинлар ИЛ-1 β ва ИЛ-17А) инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор носпецифик интерстициал пневмония ривожланишининг турли даражадаги клиник кўринишининг, нурли визуализация усули ёрдамида ўпка тўқималари инфильтрациясининг интерстициал тури, консолидация ўчоқлари, фиброзли-склеротик ва эмфизематоз-буллёз ҳаволи шишлар каби структур бузилишларга боғлиқлиги асосланган;

носпецифик интерстициал пневмония бошланишида яллиғланиш тизимининг биомаркерлари ИЛ-1 β ва ИЛ-17А цитокинларнинг нейтрофил эластаза миқдори билан иммунологик механизмлар дисбаланси сабабли тўғри корреляцион боғлиқлиги исботланган;

илк бор носпецифик интерстициал пневмония авжланишида протеолиз ферменти нейтрофил эластазанинг миқдори қонда ошиши эрта прогностик маркер эканлиги асосланган;

НИП кечишининг оғирлигини эрта баҳолаш учун математик модели асосида иммунологик механизмлар дисбаланси, ўпка структур ҳолати, ҳаёт сифати ва клиник статус бузилишлари касаллик авж олишининг оғирлигини белгилловчи асосий детерминантлардан ҳисобланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

носпецифик интерстициал пневмония ривожланишида ўпкани юқори аниқликдаги компьютер томографияси маълумотларини баҳолаш ва бошланғич белгиларини аниқлаш эрта ташхислаш маркери эканлиги аниқланган;

протеолиз ферменти нейтрофил эластазанинг носпецифик интерстициал пневмония ривожланишида ошиши касаллик кечишининг прогнозидаги ўрни аниқланган;

НИП енгил кечишида яллиғланиш тизимининг биомаркерлари ИЛ-1 β ва ИЛ-17Анинг адаптив ўзгариши ва нейтрофил эластазанинг ошиши, носпецифик интерстициал пневмония ривожланишининг эрта ташхислашга ва НИП оғир даражага ўтишининг олдини олишга ёрдам бериши исботланган;

носпецифик интерстициал пневмония билан оғриган беморларни даволашда дифференциал ёндашишга, режани тузишга ва касаллик ремиссия даврининг чўзилишига имкон берадиган математик модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари носпецифик интерстициал пневмония мавжуд беморларда эрта ташхислашга ва прогнозлашга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иммунологик ўзгаришлар натижасида келиб чиққан носпецифик интерстициал пневмония кечилишининг клиник хусусиятлари бўйича назарий билимлар даражасини кенгайтириш, носпецифик интерстициал пневмонияни эрта ташхислашда ва касалликнинг ривожланишида иммунологик биомаркерларнинг (нейтрофил эластаза, ИЛ-1 β , ИЛ-17А) ўрнини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти носпецифик интерстициал пневмония билан оғриган беморларнинг қонида яллиғланишга оид цитокинлар (ИЛ-1 β , ИЛ-17А) ва протеолиз ферменти (нейтрофил эластаза) даражаси тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, касалликнинг кечилиш оғирлигини баҳолаш математик моделини яратиш, амалиётга тадбиқ этиш орқали патология ривожланишининг олдини олиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Носпецифик интерстициал пневмонияни эрта ташхислаш ва унга чалинган беморларда диагностика-профилактика чораларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган:

соғлиқни сақлаш амалиётида пульмонологик беморларни олиб боришда клиник ва лаборатор тадқиқотларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган "Носпецифик интерстициал пневмониянинг диагностикаси ва кечилиш оғирлигини баҳолашда иммунологик маркерлар" номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 26 сентябрдаги 8н-р 1025-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома носпецифик интерстициал пневмония билан касалланган беморларни ўз вақтида ташхислаш ва асоратлар ривожланишини олдини олиш имконини берган;

носпецифик интерстициал пневмония билан оғриган беморларга даволаш-профилактика муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатишнинг прогнози ва профилактикаси бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган "Носпецифик интерстициал пневмониянинг эрта диагностикасини математик моделлаштириш" номли

услугий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 26 сентябрдаги 8н-р 1024-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома касалликни клиникаси, лаборатор ва инструментал тадқиқотлар маълумотларини ҳисобга олган ҳолда, носпецифик интерстициал пневмонияга чалинган беморларнинг кечиш оғирлиги бўйича гуруҳларга ажратиш ҳамда эрта диагностикасини яхшилашга имкон берган;

касалликни эрта аниқлаш, қиёсий ташҳис ўтказиш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини эрта бошлашга қаратилган тадқиқот натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд шаҳар ва Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт бирлашмалари амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 31 октябрдаги 8н-з/ 586 сон маълумотномаси). Олинган натижалар носпецифик интерстициал пневмонияли беморларда касалликни эрта ташҳислашни 2,2 марта ортишига ва касаллик асоратларини 1,6 марта камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамалардан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Носпецифик интерстициал пневмониянинг замонавий концепцияси**» (адабиёт шарҳи) биринчи бобида назарий жиҳатлар таҳлил қилиниб, ўрганилаётган муаммо бўйича тадқиқотлар тизимлаштирилган. Носпецифик интерстициал пневмония ҳақидаги билимларнинг ҳозирги ҳолати батафсил тавсифланган. Алоҳида кичик бўлимларда носпецифик интерстициал пневмония диагностика мезонларини

белгилангани ва уни ривожланишида яллиғланиш тизими маркерларининг ролини тавсифланган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Носпецифик интерстициал пневмония диагностикасининг клиник ва лаборатор таъмойиллари методологияси ва мониторингининг клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари**», тадқиқотда қўлланган материал ва усуллар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Беморларнинг клиник текшируви анамнезни йиғиш, физикал текширув, лейкоцитограмма билан қон таҳлилини ўз ичига олади.

Турли локализациядаги НИП ташхиси қўйилган жами 140 нафар бемор текширилди. Назорат гуруҳи 30 нафар юрак ишемик ва гипертоник касалликлари, ҳамда 30 нафар соғлом шахслардан иборат эди.

Қўшилиш мезонлари қуйидагилар эди: 18 ёшдан ошган; ўпка тўқималарида рентген текширув билан тасдиқланган инфилтратлар; қуйидаги аломатлардан бири: йўтал, иситма ва ўпкада НИПга хос аускультатив тасвир.

Қўшилмаган беморлар: ҳар қандай иммунитет танқислиги ҳолати билан; фаол ўпка сили билан; ушбу инфекция ривожланишидан олдинги 4 ҳафта ичида касалхонада даволанган ёки олдинги 3 ой ичида микробларга қарши кимётерапия препаратларини қўллаган беморлар.

Ташхис клиник ва лаборатор-инструментал кўрсаткичларнинг комбинацияси асосида тасдиқланган. Клиник текширув шикоятларни ўрганиш, анамнезни йиғиш, физикал текширув, шунингдек, касалликнинг кечишини динамик кузатишда эди. Рентген ва иммунологик тадқиқотлар натижалари ҳисобга олинди (Чучалин А.Г. ва бошқ., 2014).

Биринчи босқичда текширилган беморлар шартли равишда НИПнинг оғирлигига кўра учта гуруҳ бўлинган, яъни: енгил кечиш - 16 (11,4%)(НИПЕК), касалликнинг ўртача оғир кечиши - 59 киши (42,1%)(НИПЎК) ва оғир кечиши - 65 киши (46,4%)(НИПОК).

Бемордаги пневмониянинг оғир кечиши қуйидаги мезонлардан камида биттаси мавжудлиги билан қараб аниқланди: нафас олиш тезлиги дақиқада > 30; SpO₂ < 90%; систолик артериал қон босими < 90 мм см. уст. тенг; диастолик артериал қон босими < 60 мм см. уст. тенг.; ўпканинг икки ёки ундан ортиқ бўлагининг зарарланиши; онгни бузилиши; инфекциянинг ўпкадан ташқари ўчоғи (менингит, перикардит ва бошқалар); анурия; қон лейкоцитларининг камайиши < 4 x 10⁹/л; гипоксемия (PaO₂ < 60 мм см. уст. тенг); гемоглобин < 100 г/л; гематокрит < 30%; ўткир буйрак етишмовчилиги (қонда креатинин > 176,7 мкмол/л, карбамид азот > 7,0 ммол/л).

Шунингдек, барча беморларда шикоятлар, ҳаёт ва касаллик анамнези, физикал текширувдан сўнг қуйидаги лаборатория кўрсаткичлари баҳоланди: умумий қон таҳлили + эритроцитлар чўкиш тезлиги (ЭЧТ), нейтрофил эластаза миқдори, нейтрофилларнинг фагоцитик фаоллиги; хужайралар фоизини ҳисоблаш ва яллиғланиш даражасини аниқлаш билан балғамни цитологик текшируви; цитокин профили: қон зардобиди ИЛ-1β, ИЛ-17А.

Нейтрофил эластаза даражасини аниқлаш учун eBioscience (АҚШ) компаниясининг Human PMN-Elastase Platinum ELISA тўпламлари ишлатилди. Тадқиқот ишлаб чиқарувчининг тавсияларига мувофиқ иммунофермент таҳлили усули орқали амалга оширилди. Реакциялар жуфтлашган зардоб усули ёрдамида бажарилди. Ферментни ўлчов бирликлари пг/мл.

Қон зардобдаги цитокинларни (ИЛ-1 β , ИЛ-17А) аниқлаш Vektor-Best тўплами (Россия) ёрдамида қаттиқ фазали рақобатдош бўлмаган билвосита иммунофермент таҳлили усули билан амалга оширилди. Ўлчов бирликлари - пг/мл.

Балғамнинг цитологик текширувида эрталаб тўпланган балғам, гематоксилин-эозин билан бўялган натив препарат текширилди. Хужайра элементлари 20 та майдонда ҳисобланган, 200-300 хужайра ҳисобланган. Ҳар бир турдаги хужайралар фоизини тузишда инобатга олинди: бронхиал эпителий, макрофаглар ва лейкоцитлар (нейтрофиллар, эозинофиллар, лимфоцитлар ва моноцитлар). Цитологик маълумотларни таҳлил қилиш маълум бир хужайра таркибининг ўртача фоизига қараб амалга оширилди.

Барча беморларга қуйидаги текширувлар ўтказилди: кўкрак қафаси рентгенограммаси; кўкрак қафасининг компьютер томографияси (тўрт кесимли (тўрт спирал) МСКТ, мос равишда тўрт қаторли детекторлар билан); спирометрия.

Олинган натижаларни ҳисоблаш ва баҳолаш Windows XP операцион тизимига эга компьютерда «MS Excel» дастурий пакети (Microsoft), статистик маълумотларни қайта ишлаш пакети SPSS 12.0.2 ва «Statistica, 6.0» (Stat Soft) ёрдамида амалга оширилди. Олинган рақамли қийматлар вариацион статистикаси усуллари билан қайта ишланди. Жадваллардаги ўзгарувчиларнинг ўртача қийматлари қуйидагича кўрсатилган $M \pm m$ (танлов ўртача \pm танлов стандарт хатоси), фойдаланилган мезондан қатъий назар. Фарқларнинг ишончлиги Стьюдентнинг t-мезони (t) ва аҳамиятлилик даражаси (p) билан баҳоланди. Фарқларнинг ишончлиги $p = 0,05; 0,01; 0,001$, сифатида қабул қилинди, фарқларнинг ишончлиги 95% ва ундан ортиқни ташкил қилди (Реброва О.Ю., 2006).

Олинган натижаларни ҳисоблашда ЎТ бирликлар тизимидан фойдаланилди (Котельников Г.П., Шпигель А.С., 2012).

Диссертация ишининг учинчи боби ўз тадқиқотлари натижаларига бағишланган бўлиб, 2 қисмдан иборат. Биринчи қисмида **"Носпецифик интерстициал пневмониянинг клиник ва лаборатор таъмойиллари"** ўпканинг интерстициал зарарланишлари шаклланишининг хавф омилларига ойдинлик киритиш мақсадида, кузатилаётган беморларнинг ҳаёти ва касалликлари анамнези ўрганилганлиги қайд этилган.

Уч авлоддаги яқин қариндошларнинг нафас олиш касалликлари, аллергия анамнези ва ота-оналарнинг чекиши таҳлил қилинди.

НИП билан оғриган беморларнинг 43,57 фоизи оғирлашган ирсиятга эга эди ($n = 61$). Нафас олиш абзолари касалликлари орасида сурункали бронхит

ёки сурункали обструктив ўпка касаллиги (СОЎК) оғирлашган ирсиятли (n=49) беморларнинг 80,32 фоизининг яқин қариндошларида, аллергик касалликлар (контакт дерматит, аллергик ринит) яқин қариндошларида фақат 12 тасида аниқланган ҳолатлари (19,68%).

НИП (n=67) билан касалланган беморларда 47,85% ҳолларда фаол чекиш аниқланган. Бундан ташқари, чекувчиларнинг 55 нафари эркаклар, 12 нафари эса фақат аёллардир.

НИП гуруҳидаги беморларда касалликнинг намоён бўлиши ўртача 53 ёшда (32 ёшдан 73 ёшгача) кузатилган. НИП енгил кечиши ўртача 45 ёшдан 53 ёшгача медиана 2 йил (p=0,001), НИП ўрта оғир кечишида - 44-54 ёшда медиана 7 йил (p=0,001) ва НИП оғир кечишида - 60 ёшда (60-73 ёш).

НИПЎК сабабларини ўрганиб, кўп ҳолларда (44,06%, n=26) қандайдир инфекция ҳолатининг оғирлашишидан олдин эканлиги аниқланди (ўткир бронхиолит факти мавжуд). 15,25% ҳолларда (n=9) НИПЎК бронхо-ўпка пневмониянинг натижасидир.

Асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳидаги беморларни текшириш вақтидаги касалликлар ва шикоятларнинг биринчи клиник кўринишлари 1-жадвалда келтирилган бўлиб, ундан кўриниб турибдики, касалликнинг барча гуруҳларда йўтал ва ҳансираш намоён бўлиши даврида беморлар касалликдан шикоятлар қилишган. Фақат НИПОК билан оғриган баъзи беморларда бармоқларнинг қўйи фалангаларидаги ўзгаришлар жуда тез шаклланган - сурункали нафас олиш етишмовчилиги белгилари, беморлар буни касалхона пульмонология бўлимига биринчи ётқизиш пайтида кўрсатишган. Баъзи беморларда касалликнинг намоён бўлиши пайтида тана вазнининг пасайиши кузатилди.

Шундай қилиб, НИП гуруҳидаги биринчи клиник кўринишлар 90,0% ҳолларда йўтал (n=126) ва/ёки 75,71% (n=106) ҳансираш эди. Касалликнинг бошланишида тана ҳароратининг ошиши НИПЎК билан оғриган 15 (25,42%) ва НИПЕК билан оғриган 4 (25,0%) беморларда кузатилди. Касалликнинг намоён бўлиши пайтида бармоқларнинг қўйи фалангаларидаги ўзгаришлар НИПОК бўлган 27 (41,54%) беморларда тез-тез кузатилган. Ва тана вазнининг пасайиши фақат НИПЕК билан оғриган беморларда - 4 (25,0%), НИПЎК билан оғриган беморларда - 16 (27,11%) ва НИПОК бўлган 22 (33,85%) беморларда аниқланди.


Текширув вақтида асосий гуруҳдаги беморлар шикоят қилишди 97,86% ҳолларда унумсиз йўтал (n=137), ҳансираш - 98,57% (n=138) ва иситма - 25,0% (n=35). НИП билан оғриган 42 та (30,0%) бемор, вазн йўқотишдан шикоят қилишди.

Балғами бўлган барча беморлар спонтан балғамнинг цитологик текшируви бўйича фенотипига қараб 4 гуруҳга бўлинган: эозинофилли (n=34), нейтрофилли (n=36), аралаш (n=32) ва майда гранулоцитик (n=38). Фенотипларнинг дифференциал диагностикаси учун шартли чегаралар ишлаб чиқилган (1-расм).

НИП билан оғриган беморларда клиник кўринишлар

Клиник кўринишлар		Асосий гуруҳ (n=140)			Таққослаш гуруҳи (n=30)
		НИПЕК (n=16)	НИПЎК (n=59)	НИПОК (n=65)	
Бирламчи кўринишлар					
Йўтал	абс.	14	53	59	4
	%	87,5	89,83	90,76	13,33
Ҳансираш	абс.	12	43	51	21
	%	75,0	72,8	78,46	70,0
Вазн йўқотиш	абс.	4	16	22	
	%	25,0	27,11	33,85	
Тана ҳарорати ошиши	абс.	4	15	13	
	%	25,0	25,42	20,0	
Қўл бармоқларини ўзгариши	абс.	4	22	27	
	%	25,0	37,29	41,54	
Қурик пайти шикоятлар					
Йўтал	абс.	15	57	65	6
	%	93,75	96,6	100,0	20,0
Ҳансираш	абс.	15	58	65	24
	%	93,75	98,3	100,0	80,0
Вазн йўқотиш	абс.	4	16	22	
	%	25,0	27,11	33,84	
Тана ҳарорати ошиши	абс.	5	16	14	
	%	31,25	27,12	21,54	
Қўл бармоқларини ўзгариши	абс.	6	26	32	4
	%	37,5	44,06	49,23	13,33

Изоҳ: Асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳи: * - $p < 0,001$



1-расм. Текширилаётган беморларда балғам фенотипларининг шартли чегаралари

НИПЕК билан оғриган беморларда эозинофилли (48,4%) ва аралаш (47,1%) балғам фенотиплари устунлик қилди; НИПОК билан оғриган беморларда эозинофилли фенотипи НИПЕК (16,1%) билан оғриган беморларга қараганда 3 барабар кам учрайди. НИПОК (54,7%) билан оғриган беморларда нейтрофил тури устунлик қилди ва НИПЕК билан оғриган беморларда у 4 марта камроқ эди.

Диссертация ишининг учинчи боби иккинчи қисми **«Носпецифик интерстициал пневмониянинг нурли диагностика ва спирометрияси натижалари»** да қайд этилишича, кейинчалик, ташхисни верификациялаш, ўпкада маълум бир жараённи истисно қилиш ва кўкрак қафаси аъзоларининг ҳолатини кўриш учун, асосий гуруҳлар ва таққослаш гуруҳининг барча беморларига кўкрак қафаси аъзоларининг рентгенографияси ўтказилди (КҚАР).

Беморларнинг ушбу гуруҳларида анъанавий рентгенографияга кўра кўйидагилар аниқланди:

- а) ўпка тўқималарининг шишиши, ҳавонинг кўпайган жойлари, эмфизема;
- б) ҳавоси паст бўлган жойлар, ўпканинг ҳавосиз жойлари (ателектази);
- в) қон томир-интерстициал тасвирининг кучайиши;
- г) перибронхиал қопламалар (зичланишлар) туфайли ўпка тасвирини кучайиши;
- д) ўпка тасвирининг деформацияси;
- е) ўчоқли инфилтрацион зичланишлар;
- ж) пневмофиброз, пневмосклероз ўчоқлари.

Визуал равишда, асосий гуруҳлар ва таққослаш гуруҳларидаги беморларда кўкрак қафаси рентгенографиясининг натижалари 2-жадвалда кўрсатилган.

Асосий гуруҳда НИПЕК бўлган 14 беморда ўпка (қон томир-интерстициал) тасвирининг кучайиши кузатилди (2-расм).


Кейинчалик, ўпкадаги патологик ўзгаришларни, шунингдек, патологик жараённинг ҳажми ва тажовузкорлигини морфологик текшириш учун барча гуруҳлардаги барча беморлар кўкрак қафаси аъзоларининг юқори аниқликдаги компьютер томографиясидан (ЮАКТ) ўтказилди.

КҚА ЮАКТ маълумотларига кўра, беморларнинг ушбу гуруҳларида кўйидагилар аниқланди: а) хирали шиша майдонлари; б) инфилтрациянинг интерстициал, бронхоальвеоляр, плевропневмоник тури; в) сегментар, субсегментар ателектазлар; г) буллёз, панлобуляр, центрилобуляр, парасептал эмфизема; д) дистал бронхиолаларнинг Y-шаклидаги тузилмалари; е) бронхоэктазлар, бронхиолоэктазлар; ж) перибронхиал/перибронховаскуляр қопламалар; з) бўлақлараро, бўлақларичи интерстицийни кучайиши; и) пневмофиброз, пневмосклероз ўзгаришлари.

**Анъанавий кўкрак қафаси рентгенограммаси бўйича НИП бўлган
беморларда рентгенологик кўринишлар**

Рентгенологик кўринишлар		Асосий (n=140)			Таққослаш (ГК ва ЮИК)
		НИПЕК (n=16)	НИПЎК (n=59)	НИПОК (n=65)	
Ўпка тўқимаси ҳаволиги	абс.	9	34	38	3
	%	56,25	57,62	58,46	10,0
ҳавонинг кўпайган жойлари	абс.	6	20	19	2
	%	37,5	33,9	29,23	6,7
ҳавонинг сусайган жойлари	абс.	4	34	39	2
	%	25,0	57,62	60,0	6,7
ўчоқли инфильтрацион зичланишлар	абс.	3	15	18	4
	%	18,75	25,42	27,69	13,33*
Ўпка (қон томир-интерстициал) тасвирининг кучайиши	абс.	14	56	65	4
	%	87,5	94,91	100,0	13,33**
перибронхиал қопламалар	абс.	2	9	11	2
	%	12,5	15,25	16,92	6,7
пневмофиброз, пневмосклероз ўчоқлари	абс.	11	29	33	7
	%	43,75	49,15	50,77	23,33
Плеврал асоратлар	абс.	2	9	11	4
	%	12,5	15,25	16,92	13,33
Юракни ўнг бўлими туфайли тўш орти соҳасини кенгайтиши	абс.	1	5	6	10
	%	6,25	8,47	9,23	33,33

Изоҳ: Асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳи: * - $p < 0,001$; ** - $p < 0,01$




**2-расм. НИПЕК билан оғриган беморнинг тўғридан-тўғри проекциядаги
рентгенограммаси, 55 ёш.**

Шундай қилиб, беморларнинг текширилган асосий гуруҳларида кўкрак қафасининг ЮАКТ натижаларига кўра, 101 (72,14%) беморда ўпка тўқималарининг интерстициал инфильтрацияси кузатилган. Асосан ўпканинг марказий қисмларида жойлашган "хирали ойна" тасвирлари НИПЎК билан

оғриган беморларда кўпроқ кузатилган; НИПЕК ва НИПОК бўлган беморларда "ҳирали ойна" зоналари кенг тарқалган. НИП бўлган барча асосий гуруҳларда (12,14%, n=17) бўлакларичи интерстициумнинг кучайиши аниқланди. Фақат НИПЎК ва НИПОК бўлган беморларда бўлаклараро интерстиций кўпроқ даражада кучайган (15,71%, n=22). 63,57% ҳолларда (n=89) ўпкада марказлаштирилган ва панлобуляр эмфизема аниқланган, НИП бўлган барча гуруҳларда эса фақат центрилобуляр эмфизема, НИПЎК ва НИПОКда эса панлобуляр эмфизема ҳам кузатилган. Шунингдек, НИПнинг охириги 2 гуруҳида (5,0%) буллёз эмфизема аниқланган. Текширилаётган беморларнинг 17,14% субсегментар ателектазлар кузатилди (НИПЕК билан 2 бемор, НИПЎК билан 10 ва НИПОК билан 12 бемор). Бронхиолаларнинг Y-шаклидаги тузилмалари (37,5%, n=6), фақат НИПЕК билан оғриган беморларда аниқланган. Кўкрак қафасининг КТ натижаларига кўра ўпка тўқималарида аниқ фибросклеротик ўзгаришлар асосий гуруҳдаги 53 (37,85%) беморларда аниқланган ва НИПОК билан оғриган беморларда (41,54%, n=25) кўпроқ учрайди. Фақат охириги НИП гуруҳларидаги 10 (7,14%) беморларда, диффуз пневмофиброз "ари уяли ўпка" оқибатига ўтиши кузатилган.

Таққослаш гуруҳида (ГК ва ЮИК билан оғриган беморлар) инфильтрациянинг асосий тури бронхоальвеоляр типи (40,0%, n=12), ўпка тўқималарининг инфильтрациясининг интерстициал тури 3 (10,0%) та беморда аниқланган. 10,0% ҳолларда (n=3) центрилобуляр эмфизема аниқланган. 13,33% ҳолларда (n=4) бўлаклараро интерстицийни кучайиши кузатилди. Перибронхиал қопламалар 10 (33,3%) беморда қайд этилган (3-расм). Ўчоқли пневмофиброз 13,33% ҳолларда (n=4) кузатилган.



3-расм - Сурункали бронхит билан оғриган Х. беморнинг, 19 ёш, ЮАКТ.

Шундай қилиб, ЮАКТ технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказилган рентгенологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, носпецифик интерстициал пневмония билан оғриган беморлар учун хужайрали кичик типда «ҳирали ойна» устунлиги ва "ари уяли ўпка" йўқлиги билан тавсифланади, фиброзли ёки аралаш кичик типларида эса, бир вақтнинг

ўзида турли даражада барча асосий тўртта рентгенологик синдромлар ва ҳамда (кўпинча, лекин ҳар доим эмас) "ари уяли ўпка" ифодаланadi. Шунингдек, сақланиб қолган ўпка тўқималарининг симметрик нозик субплеврал чизиқлари мавжудлиги, кейинчалик ретикуляр ва яллиғланиш ўзгаришлари характерлидир.

Ташқи нафас олиш функциясининг (ТНОФ) бузилишини аниқлаш учун НИП билан оғриган беморларда спирография (n=140) ўтказилди. ТНОФ ўртача кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал.

НИП билан оғриган беморларда ТНОФ параметрлари

	НИПЕК, n=16	НИПЎК, n=59	НИПОК, n=65
ЖНЧХ ₁ , %	75,68±3,76	74,23±1,69	70,61±1,01
ЖНЧХ ₁ , %*	107,41±12,76	84,02±21,56	74,93±17,41
ЮХТ, %	79,81±3,23	78,81±1,53	75,47±0,88
ЮХТ, %*	104,12±12,18	88,79±16,38	77,36±14,57
ЛХТ50, %	44,75±5,0	41,58±2,06	37,5±1,58
ЛХТ 50, %*	93,18±23,44	51,05±24,02	38,33±18,42
ЛХТ 75, %	34,06±5,28	31,36±2,19	27,25±1,69
ЛХТ 75, %*	77,08±30,51	35,36±21,87	21,05±14,41
ЎХТ 25-75, %	43,25±5,74	40,7±2,55	34,93±1,91
ЎХТ25-75, %*	92,07±24,41	50,11±25,13	32,08±17,11
ЖНЧХ ₁ /ЖЎТС, %	78,21±7,87	62,45±8,13	60,43±11,96
ЖНЧХ ₁ / ЖЎТС, %*	84,62±7,38	69,36±11,87	64,15±7,88

Изоҳ: * - ўлчов бронхолитикни ингаляциядан кейин олинган, ** - нормал тақсимот билан тавсифланган намуналар учун ўртача қиймат ва стандарт оғишининг қиймати (M + σ) кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, беморларнинг барча гуруҳларида ташқи нафас олиш функциясининг (ТНОФ) бузилиши ифодаланган характерга эга эди.

НИПЕК гуруҳидаги текширилган беморларнинг 20,83% да ЖЎТС ва ЖНЧХ-1 кўрсаткичлари бироз ёки ўртача даражада камайган. Оддий Тиффно индекси ёки унинг 70% дан ортиқ ошиши, ҳамда ЖЎТС ва ЖНЧХ-1нинг 75% дан кам пасайиши, НИПОК билан оғриган беморларнинг 32,18% ва НИПЎК билан 36,25% да аниқланган, бу ТНОФ бузилишнинг рестриктив хусусиятини кўрсатади. НИПЕК билан оғриган беморларнинг 28,33% да ва НИПЎК билан оғриган беморларнинг 16,25% да ўзгаришлар рестриктив устунлиги билан аралаш характерли бўлган. НИПЕК билан оғриган беморларнинг 14,17% да ТНОФ обструктив бузилишлари қайд этилган. НИПЕК 18,33% да ва НИПЎК билан оғриган беморларнинг 14,17% да бронхиал ўтказувчанлик пасайиши қайд этилган.

Шундай қилиб, ЖЎТС, ЖНЧХ-1, ЛХТ 25, ЛХТ 50, ЛХТ 75 кўрсаткичлари НИПЕК гуруҳидаги беморларда ва назорат гуруҳларида сезиларли даражада юқори эди (p<0,05). НИПЕК билан оғриган беморларнинг 20,83 фоизида ЖЎТС кўрсаткичлари камайган ва бу ревматик касалликларга чалинганларда ифодаланган. Меъёрий Тиффно индекси ёки

унинг 70% дан ортиқ ошиши ва ЖЎТС ва ЖНЧХ-1 нинг 75% дан кам пасайиши НИПОК билан оғриган беморларнинг 32,18% ва НИПЎК билан 36,25% да аниқланган, бу ТНОФни рестриктив бузилиш хусусиятини тасдиқлайди.

НИПЕК ли 28,33% да ва НИПЎК билан оғриган беморларнинг 16,25 % ўзгаришлар рестрикция устунлиги билан аралашган. НИПЕК беморларнинг 18,33 % ва НИПЎК билан оғриган беморларнинг 14,17 % бронхиал ўтказувчанлик пасайган. Таққослаш гуруҳида вентиляция бузилишининг аралаш тури кўпинча обструкциянинг устунлиги билан аниқланган, аммо 7,45% ҳолларда рестриктив турдаги бузилишлар устунлик қилган.

Диссертация ишининг **“Носпецифик интерстициал пневмония ривожланишида биомаркерларнинг урни”** деб номланган тўртинчи боби 2 қисмдан иборат. Биринчи қисмида қон зардобидаги нейтрофил эластаза миқдорини ўрганиш натижалари келтирилган.

Нейтрофил эластазининг энг юқори миқдори оғир ва ўртача НИП бўлган гуруҳларда, энгил гуруҳда камроқ, назорат гуруҳларида (деярли соғлом, ГК ва ЮИК касаллиги бўлган беморлар) ҳам камроқ кузатилди. Шу билан бирга, НИПЎТ ва НИПОТ бўлган беморларда таҳлил қилинган белгида, назорат билан солиштириганда сезиларли фарқлар мавжуд (4-жадвал).

4-жадвал

НИП бўлган беморларнинг турли гуруҳларида нейтрофил эластаза миқдори

Кўрсаткич	Соғлом n=30	ГК ва ЮИК беморлар n=30	НИПЕК n=16	НИПЎК n=59	НИПОК n=65	t	p
Ней- трофил эластаза , пг/мл	46,7±1,6	48,92±1,7	105,06±7,05	111,44±3,06	111,21± 8,06	3,6	p<0,05

Изоҳ: нормал тақсимот билан тавсифланган намуналар учун ўртача қиймат ва стандарт оғишининг қиймати (M + σ) кўрсатилган.

Шу билан бирга, НИПЕК гуруҳидаги фермент даражаси соғлом одамлар гуруҳидаги таркибдан нисбий 2 баровардан кўп фарқ қилган. Ўртача ва оғир кечадиган гуруҳларга қараганда энгил НИПли гуруҳдаги ферментнинг паст даражаси маҳаллий даражада (бронхларда) нейтрал эластаза таъсиридан келиб чиққан бўлиши мумкин. Шунинг учун ингаляцион ва тизимли стероидларнинг эластаза параметрларига таъсирини истисно қилиб бўлмайди.

НИПЎТ ва НИПОТ билан оғриган беморларда қон зардобидаги ферментнинг (нейтрофил эластаза) нисбатан юқори даражалари аниқланди, улар соғлом одамлар ва ГК ва ЮИК билан касалланган беморларга нисбатан статистик жиҳатдан фарқ қилади (p<0,05). НИПЕК гуруҳидаги фермент кўрсаткичи бошқа НИП гуруҳларга қараганда сезиларли даражада паст эди (p<0,05).

Нейтрофил эластаза, нейтрофилларнинг фагоцитик фаоллигини, ЭЧТ, лейкоцитлар билан ўртасидаги мумкин бўлган алоқаларни аниқлаш учун корреляцион таҳлили ўтказилди. Шу билан бирга, беморларнинг деярли барча гуруҳларида фермент ва ЭЧТ ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар йўқ эди. НИПЕК ва НИПОК билан оғриган беморларнинг қонида фермент ва лейкоцитлар сони ўртасида сезиларли ижобий корреляция аниқланди (5-жадвал). Юқоридагилар НИП ривожланишида фермент ва лейкоцитлар таъсирининг бир томонлама механизми мавжудлигини кўрсатади.

5-жадвал

Текширилаётган беморларда нейтрофил эластазанинг ЭЧТ, лейкоцитлар билан ўзаро боғлиқлиги аниқланиши

Гуруҳ	ЭЧТ, кор. коэф.	Лейкоцитлар, кор. коэф.
НИПЕК	-0,118	0,418***
НИПЎК	0,071	0,401***
НИПОК	0,201	0,568*
ГК ва ЮИК беморлар	-0,006	0,350
Соғлом	-0,178	0,113

Изоҳ: * $p < 0,001$ даражасида ишончли муҳим корреляция; ** $p < 0,01$ даражасида ишончли муҳим корреляция; *** $p < 0,05$ даражасида ишончли муҳим корреляция.

Тўртинчи бобнинг иккинчи қисмида қон зардобидаги интерлейкинлар миқдорини ўрганиш натижалари келтирилган.

Яллиғланиш жараёнида НИПда мақсадли хужайралар эпителий хужайралари, дендрицитлар ва макрофаглардир. Одатда, улар ИЛ-1 β , ИЛ-17А, антиоксидантлар, лейкопротеиназа ва sIGA ингибиторларини яратишда иштирок этадилар. Натижада ИЛ-1 β , ИЛ-17А фибробластларни фаоллаштиради, коллаген ишлаб чиқариш кўпаяди ва тўқималар зарарланади, маҳаллий фиброзни келтириб чиқаради ва жараённинг сурункали бўлишига ёрдам беради.

НИП билан оғриган беморларда яллиғланишга қарши цитокинларнинг ИЛ-1 β параметрларини ишлаб чиқаришда иммунокомпонент хужайралар кўпайиши кузатилади. Хусусан, периферик қонда НИП бўлган беморларда ИЛ-1 β цитокиннинг назорат гуруҳига ва гипертензия ва юрак ишемик касаллигига чалинган беморлар гуруҳига нисбатан сезиларли даражада кўпайиши кузатилади (6-жадвал).

6-жадвал

Қон зардобида ИЛ-1 β миқдори

